

## ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИДА КАТТА АШУЛАНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Б. Нумонов

Фарғона давлат университети доценти

О.Имомова

Фарғона давлат университети магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7118648>

**Аннотация.** Ҳозирда ижрочилик санъати ривожланиб, давр талабларига мос равишда шаклланиб келаётган катта ашула жараённинг равнақи йўлида ўз санъатини ҳамда билимини ёш авлодни тарбиялашга сарфлаб келаётган устозларнинг ўрни беқиёсдир. Ушбу мақолада ўзининг санъатига эга бўлган хофизларимиз меҳнатлари, ижодий фаолиятлари ҳамда уларнинг ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий камолотидаги тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз юритамиз.

**Калит сўзлар:** музика, бастакор, созанда, ижрочи, санъат, патнис ашула ашулай калон", "катта ялла", "ҳаққоний ашула" Репрезентатив, ЮНЕСКО.

## ВОСПИТАТЕЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ КАТТА АШУЛА В ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННОМ РАЗВИТИИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ

**Аннотация.** Неоценима роль педагогов, использующих свое искусство и знания для воспитания подрастающего поколения в развитии великого певческого процесса, который в настоящее время развивается и формируется в соответствии с требованиями времени. В этой статье мы поговорим о работе и творческой деятельности наших хафизов, имеющих свое искусство, и их воспитательном значении в духовно-нравственном развитии подрастающего поколения.

**Ключевые слова:** музыка, композитор, музыкант, исполнитель, искусство, патнис ашула ашулай калон», «катта ялла», «хаккани ашула». ЮНЕСКО.

## EDUCATIONAL SIGNIFICANCE OF KATTA ASHULA IN THE SPIRITUAL AND MORAL DEVELOPMENT OF THE YOUNG GENERATION

**Abstract.** The role of teachers, who use their art and knowledge to educate the younger generation in the development of the great singing process, which is currently developing and shaping in accordance with the requirements of the time, is invaluable. In this article we will talk about the work and creative activity of our hafiz, who have their own art, and their educational significance in the spiritual and moral development of the younger generation.

**Keywords:** music, composer, musician, performer, art, patnis ashula ashulai kalon", "katta yalla", "haqqani ashula" Representative, UNESCO.

## КИРИШ

Ҳар бир халқнинг ўз маданий мероси мавжуд бўлиб, уни асраб авайлаш, давомийлиги ва яшовчанлигини таъминлаш ўша халқнинг зиммасига улкан маъсулиятни юклайди. Ўзбек халқининг ҳам бир қатор ана шундай маънавий мероси мавжуд бўлиб, уларни кўп қисми ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маъданий меросининг репрезентатив руйхатига киритилган. Шуларнинг бири жуда қадимий ва бетакрор санъат тури бўлган катта ашуладир.

Қадимдан Турон, Туркистон халқи ўзининг кўҳна тарихи, бой мероси, ранг-баранг ва юксак маданияти, урф-одат ва анъаналари билан ажралиб турган. Бу халқнинг буюк

сиймолари миллий ва жаҳон илм фани ва маданиятининг барча соҳалари ривожига салмоқли хисса қўшиб келганлар. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди ва ўз навбатида фалсафий ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди»[1].

Улуғ бобокалонларимиз буюк мутафаккир, алгебра фанининг асосчиси ал-Хоразмий, иккинчи муаллим, Шарқ Аристотели деб тан олинган Абу Наср ал-Фаробий, улуғ ҳаким Шайх ур раис Абу Али Ибн Сино, қомусий олим Абу Райҳон ал-Беруний, астрономия фанининг етук юлдузи Мирзо Улуғбек ўзбек адабий тилининг асосчиси, даҳо шоир Алишер Навоий, беназир муҳаддис Исмоил Бухорий, тасаввуф илмининг буюк алломалари Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Муҳаммад Раззолий, Баҳовуддин Нақшбанд, Махмуд Замахшарий ва бошқаларнинг номлари жаҳон халқлари томонидан ханузгача ҳурмат билан тилга олиниб келинмоқда. Бизнинг юртимизда яратилган асарлардан кўчирилган нусхаларнинг нақадар мўтабар саналиши, бебаҳо обида сифатида қадрланиши аён бўлиб турибди. Марказий Осиё мутафаккирлари яратган фан ва маданиятнинг барча соҳаларига тааллуқли нодир асарлар, қимматбаҳо фикр мулоҳазалар ҳозирги кунда ҳам жаҳон халқлари маънавий дунёсини бойитиб, уларнинг маънавий камолотиغا хизмат қилиб келмоқда.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек халқининг тарихий тараққиёти даврида моддий ва маънавий маданият бир текисда ривожланган эмас. Унда биз уйғониш, юксалиш билан бир қаторда депсиниш, турғунлик ҳолатларини ҳам кузатишимиз мумкин. Марказий Осиё халқлари ўтган минг йиллар мобайнида хитой, юнон, араб, муғул, рус истилочилари томонидан забт этилган. Истилочилар хилма-хил бўлса ҳам уларнинг мақсади ўхшаш, яъни кўҳна маданият ва маънавиятга эга бўлган туб аҳолини миллий кадриятлардан бегоналштириш, ўзлигини англашга йўл қўймаслик, тарихини сохталаштиришдан иборат эди. Шу боис, бизнинг худудимиздаги бирон бир кўҳна шаҳримиз, катта – кичик дарёимиз, баланд – паст тоғимиз йукки, у бир неча ном билан аталмасин мустақиллигимиз туфайли маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори, маънавий дунёси кундан кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг маънавий асосини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, лекин шуни алоҳида қайд этишимиз керакки, миллий ўз ўзини англаш, ўзбекчилик — миллатчилик деган маънони билдирмайди. Миллий уйғониш, миллий ғурур, миллий туйғунинг тикланиши — бу миллий ривожланиш билан узвий боғлиқ бўлган табиий қонуний жараён дир. Миллий кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб янада ривожлангандагина жамиятимизда ўтказилаётган ислохотлар муваффақиятли амалга оша олади, чунки маънавий баркамол, маърифатли, руҳан бардам, янгича тафаккурлаш қобилиятига эга инсонгина истиқлол ва тараққиёт йўлини шараф билан ўта олади[2].

Шундай экан, халқимизнинг маданий мероси, жумладан, ўзида юксак маънавий кадриятларини жамлаган халқ оғзаки ижоди жанрларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни ҳар бир ёш авлод онгига синдириб, уларни маънавий етук фидойи кишилар этиб тарбиялаш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ота-боболаримиздан бизга қолдирилган бой маънавий меросни авайлаб асраб, уни замонавий илм фан

ютуклари билан ижодий бойитиб, келажак авлоднинг тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириб, уларнинг бунёдкорлик фаоллигини ошириш - мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлашнинг асосий гаровидир. Ҳеч бир халқ ўз ўзини англамасдан миллий маданияти миллий қадриятларини авайлаб асраб сақламасдан туриб бошқа халқларнинг қадриятларига ҳурмат иззат билан қарай олмайди. Шунинг учун миллий қадриятларнинг тикланиши умуминсоний қадриятлар сари ривожланишнинг яқкаю ягона йўлидир. Мустақил Ўзбекистонимизнинг куч қудрати, халқимизнинг умуминсоний қадриятларига содиқлигидадир.

Бугунги Ўзбекистон кундан-кунга такомил топиб, буюк қурилишлар майдонига айланиб бормоқда. Юртимизнинг қайси гўшасига борманг, ҳар ерда, ҳар соҳада катта ислохотлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўласиз. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев халқни бўлаётган ислохотларга инонтира олиш, рози қилиш, уларнинг турмуш шароитларини кўтариш, илмни, фанни, санъат ва маданиятни юксак даражага олиб чиқиш борасида садоқат билан меҳнат қилиш лозимлигини бот-бот такрорламоқдалар. Айниқса, олий таълим тизимида бўлаётган ислохотлар ҳам диққатга сазовордир.

Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришга бўлган эътибор эса тобора ортиб бормоқда. Олий таълим муассасаларида ёшларга чуқур замонавий билим бериш, уларни халқаро миқёсда рақобатбардош кадр бўлиб етиштиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бунинг учун эса олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ҳам ўз устида тинимсиз ишлашлари, изланишлари зарур масалалардан бири эканлиги таъкидланиб келинмоқда.

Тарихдан маълумки санъат ва маданият башарият тараққиётининг муҳим омилларидан бири ҳисобланган. Ҳар бир жамиятнинг тараққиёт даражаси ўша жамиятда санъат ва маданиятнинг ривожини билан белгиланган. Тарихда яшаб ўтган ҳар бир ҳукмдор ёки давлат арбоби ўз фаолиятида фан, маданият ва санъат соҳасини қадрлаган тақдирдагина у юртда тинчлик, ободончилик ҳамда фаровонлик бўлган.

Миллий маънавиятимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишда халқ оғзаки ижодининг роли ниҳоятда каттадир. Халқ оғзаки ижодининг шаклини келтириб чиқарган, ривожлантирган, такомиллаштирган сабаблар ичида энг биринчиси ва белгиловчиси - меҳнат, инсоннинг амалий фаолиятидир. Халқ оғзаки ижоди жанрларининг биринчи жанри куй ва қўшиқдир. Куй ва қўшиқ инсоннинг доимий ҳамроҳи, унинг шодмон ва қайғули онларидаги йўлдошидир. Ўзбек халқ поэзияси, халқ қўшиқлари унинг ижодкори тарихи билан, меҳнати билан узвий борлиқдир. Поэзияда ҳам, қўшиқда ҳам халқнинг руҳияти, инсон туйғулари, пок севгиси, орзу армонлари билан бирга ижтимоий ахлоқи мужассамлашган бўлади. Шунинг учун халқнинг тарихини унинг поэзия ва қўшиқлари билан, қўшиқларини эса тарихи билан боғлаб тушуштириш мумкин. Халқ оғзаки ижодидан катта ашула қўшиқларини билмай туриб, меҳнаткаш халқнинг чинакам тарихини, миллий зийнатининг шаклланишини билиш мумкин эмас. Дунёда қўшиқ айтмайдиган, қўшиқдан завқланмайдиган, рақс ва лапарларни, дилбар куйларни ёқтирмайдиган биронта ҳам халқ бўлмаса керак. Ўзбеклар ҳам шулар жумласига киради.

Ўзбек халқи азалдан мафтункор куй ва сермазмун қўшиқларни жон дилидан севади. Шодликда ҳам, қийинчиликда ҳам унга мурожаат қилади, ундан завқ-шавқ олади, ором ва таскин топади. Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида қайд қилиб

ўтилган меҳнат қўшиқлари, ўроқчи, хирмон қўшиқлари, ов қўшиқлари, қаҳрамонлик, жанг қўшиқлари, мавсум ва маросим қўшиқлари, ишқий қўшиқлар - буларнинг ҳаммаси минг йиллар давомида халқ кўнглидаги хасрат ва шодликнинг йўлдоши бўлиб келган. Халқ қўшиқларининг инсон ҳаётида бу қадар кенг ўрин олиши, такомиллашиб, мазмунан бойиб ва чуқурлашиб боришининг сабаблари бор.

Чунки қўшиқ инсонни қийинчиликларни енгишга, руҳан тетик бўлишга дўстларга вафо кўрсатишга, душманларга нисбатан шафқатсизликка ундайди. Киндик қони тўкилган она-Ватанни севишга, ундан фахрланишга даъват, мухаббат, фахр-ифтихорнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳам маълум даражада унга боғлиқ.

Буларнинг орасида Катта ашула ёки патнис ашула – Фарғона водийсига хос йирик ашула йўли ҳамда ўзига хос ижро услуби ва усули ҳисобланиб, ёш авлодга узининг таъсир кучини курсатиб келмоқда ҳар бир ёш йигит кизлар катта ашулаларни марок иштиёк билан куйлаб келмоқдалар. Икки ёки ундан ортиқ (бештагача) етук хонанда томонидан чолғу жўрлигисиз галма-гал айтиладиган бу санъат йўналиши унинг асосий хусусиятлари бадиҳагўйлик, ҳамнафаслик, юқори пардаларда, кенг нафасда ижро этилиши, эркин услубда куйланиши, сўз ва куй мутаносиблиги, профессионаллик доирасида куйланиб келинаётганидир. Баланд пардаларда ижро этилиши, катта авжлар мавжудлиги, сўзларнинг тингловчиларга равоён етиб бориши ва таъсирчанлиги катта ашулага хос тарзда ёш авлод асраб авайлаётган албатта.

Катта ашула ижрочидан зўр қобилият ва маҳорат, шунингдек, сўз бўғинларига эҳтиёт бўлишни, шеърнинг маъносини тингловчиларга тўла етказишни талаб қилади. Катта ашула қадимий маросим ва меҳнат қўшиқлари, марсия, навҳа, аёлғу қўшиқлари ҳамда аруз вазнидаги ғазалларнинг қадимий ўқилиш услублари, айтим ижрочилик маданиятининг юксалиши заминида ўрта асрларда вужудга келган. Унинг ўтмишдаги намуналарида лирик ва насихатомуз ғазаллар билан бир қаторда диний, тасаввуфий йўналишдаги шеърлар ҳам куйланади. А.Навоий, Лутфий, Машраб, Ҳазиний, Муқимий, Фурқат, Завқий, Мискин ва бошқаларнинг ғазаллари катта ашула жанрида алоҳида ўрин олган. XX асрдан бошлаб замонавий ўзбек шоир(Собир Абдулла, Чархий, Чустий, Акмал Пўлат, Ҳабибий ва б.)ларнинг шеърлари ва халқ шеърляти ҳам қўлланилади. Мавзуи жиҳатидан катта ашула ишқий-лирик, фалсафий, диний ва замонавийларга бўлинади. Катта ашулада сўз куй билан бир усулда "нафас" олади. Шу боис шеър ва куй бир-бирига шу қадар уйғунлашиб, бир-бирига сингиб кетганки, ўзини алоҳида эшитганда шеърни ҳам тинглаётгандек бўласиз. Катта ашула қадимий маросим ва меҳнат қўшиқлари, марсия, навҳа, аёлғу қўшиқлари ҳамда аруз вазнидаги ғазалларнинг ўзига хос ўқилиш услублари заминида вужудга келган. Бу ашулалар баланд пардаларда ижро этилиши, кўтаринки мавзудаги шеърларни қўлланиши ҳамда катта йиғинларда, сайилларда, тўй-томоша ва очик ҳавода айтилиши туфайли улар "катта ашула" деб аталади.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Катта ашула халқ орасида "ашулаикалон", "катта ялла", "ҳаққоний ашула" номлари билан юритилган. Унинг иккинчи номи патнис ёки патнусаки ашула ҳамда ликобча ашула деб аталган. Ашулани ҳофизлар қўлларига патнис ёки ликобча ушлаб, ҳаракатлартиришади (овозларни тингловчига йўналтириш, ўзлари эшитиш ҳамда уни силкитиш орқали овоз беафига ёрдам бериш ҳолда). Катта ашуланинг ривожланиш жараёнида унинг жанрлар таркиби шаклланди: анъанавий – икки ҳофиз томонидан

айтилиши (Бир келсун, Ох ким, Эй, дилбари жонон); "ёввой мақом" – мақом шўъбалари эркин услубда жўрсиз талкин этилиши (Ёввой Ушшоқ, Ёввой Чоргоҳ, Патнусаки Сегоҳ); "ёввой ашула" – оммабоп ашула йўллари эркин услубда куйланиши (Ёввой тановар, Ёввой муножот); "яккахонлик" ёки ашула-чолғу йўли – якка ижрода чолғу ансамбли (иккинчи хонанда вазифаси) жўрлигида (Ж.Султонов томонидан ижод этилган "Ох ким", "Гулизорим қани", "Ёлғиз", "Топмадим"); чолғу йўли – яккасоз най, сурнай, танбур, ғижжак учун (Ёввой Чоргоҳ). XX асрдан эркак хонандалардан ташқари аёллар ҳам катта ашулани ижро этишган (Халима Носирова, Фотима Борухова, Зайнаб Полвонова).

Катта ашуланинг ижрочилик маданияти юксалишида унинг ўзига хос ижрочилик мактаблари шаклланди – кўкон (Эрка қори Каримов, Шеркўзи Бойқўзиев, Ҳамрокул қори, Мелиқўзи Юсупов, Турдиали Эргашев, Расулқори Мамадалиев), марғилон (Мамадбува Саттаров, Болтабой Ражабов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Турдиали Шарипов раҳбарлигидаги "Чоргоҳ" гуруҳи), андижон (Фаттоҳхон Мамадалиев, Одилжон Юсупов, Саиднаби Саидназаров, Жўрахон ва Эргашвой Юсуповлар, Хуршид Ҳасанов), наманган (Маллабой Ҳамидов, Абдулла Ғозиев, Иброҳим Исоқов), тошкент (Акбар қори ва Эшмат Ҳайдаровлар, Очилхон Отахонов, Ориф Алимахсумов, Маҳмуд Тожибоев, Муножот Йўлчиева, Бекназар Дўстмуродов, Абдунаби Иброҳимов, Соибжон Ниёзов, Дилнура Қодиркулова, Нодира Пирматова). Катта ашула нафақат анъанавий "устоз-шогирд" мактаб (Андижон, Кўкон, Марғилон)лари, балки замонавий мусиқа таълими тизими (академик лицей, санъат коллежлари ва консерватория) орқали ўзлаштирилмоқда. Катта ашула анъаналарини сақлашда илмий тадқиқотлар, нашр (китоб ва тўплам)лар, аудио ва видео ёзувлар, фильмлар, телекўрсатувлар, танловлар, айниқса, ёшлар орасида кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

### **МУҲОКАМА**

Катта ашула ижрочилари VII-чи Халқаро Мусиқа Конгресси (Москва, 1971), IV-чи Осиё Мусиқали Минбари (Филиппини, 1976), Европа фольклор фестивали (1985), АҚШ мусиқа фольклор фестивали (1987), "Шарқ тароналари" Халқаро мусиқа фестивали (Самарқанд, 1997-2015), "Асрлар садоси" Анъанавий маданият фестивали (Ўзбекистон, 2008-2013) каби йирик анжуманларда, Наврўз ва Мустақиллик умумхалқ байрамларида ўз ижрочилик маҳоратлари намойиш этмоқдалар. 1984 йилдан бошлаб республика миқёсида мунтазам равишда катта ашула ижрочилари танловлари ўтказилмоқда (2013 йили Тошкент вилоятда бўлиб ўтди). Катта ашулани муҳофаза қилиш, сақлаш ва тарғиб этиш бўйича таржиба лойиҳаси АССУ ЮНЕСКОнинг (Япония) Олтин медали билан тақдирланди. Катта ашула 2009 йилда ЮНЕСКОнинг "Инсониятнинг номоддий маданий мероси" Репрезентатив рўйхатига киритилди.

### **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда Миллий онг ва ўзлигини англаш у ёки бу миллатни мансубликни хис қилиш, унинг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ҳар тарафлама чуқур би-лиш билангина чегараланмайди. Миллий уз-узини англаш миллатнинг ҳозирги ахволи, унинг олдида ечимини кутиб турган муаммоларини би-лиш ва уларни хал қилишда фаол ҳаракат этишни талаб қилади. Бунинг учун юксак маданият, узоқни кўра билиш ва донолик, ғоявий-маънавий етуклик ва поклик, янгича фикрлаш имкониятларидан, жамият тараққиётини жадаллаштириб, аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учун замин яратиш йўлида фойдалана билиш керак. Шунингдек, миллий ўз-



Ўзини англаш миллатнинг келажак истиқболини ҳам кўра билишни талаб қилади, Бу ҳам кишиларнинг миллий онги ўсиши, тафаккурлаш маданияти даражаси билан узвий боғлиқдир.

## REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Parlamentga Murojaatnomasi. T.: - 2019 y. yanvar.
2. Sh. Mirziyoev Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. - T.: "O'zbekiston", 2017y.
3. Mirziyoev Sh.M "Xalqimizning roziligi bizning foliyatimizga berilgan eng loyiq bahodir".196-bet]
4. Mirziyoev Sh.M "Bilimli avlod-buyuk kelajakning, tadbirkor xalq-farovon hayotning, do'stona hamkorlik esa taraqqiyotning kafolatidir" T.O'zbekiston. 2018 yil. 21-bet]
5. Karimov I.A. Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot - pirovard maqsadimiz. – Toshkent.: O'zbekiston, 2000. – B.25.
6. Soyib Begmatov "Orifxon Xotamov" 2000.
7. Fayzulla To'raev. "Buxoro mug'anniylari" Toshkent O'zb. resp. FA "Fan" nashr.2008.
8. O'rozali Toshmatov "Folklor qo'shiqlari" o'quv qo'llanma –T. "Xalq merosi" 2003.
9. Sobir Abdulla. "Mavlono Muqimiy".T., "Toshkent" badiiy adabiyot nashr.1966.
10. Oxunjon Safarov va boshqalar. "Buxorcha" va "Mavrigi" taronalari.O'zb.resp.FA "Fan" nashr.2005.
11. Mulla Bekjon Rahmon o'g'li, Muhammad Yusuf Devonzoda «Xorazm musiqiy tarixchasi» Toshkent 2014.
12. I.Rajabov, "Maqomlar masalasiga doir", Toshkent, 1963 yil.
13. A.Nazarov, "Farobiy va Ibn Sino musiqiy ritmika hususida" Toshkent, 1995 yil.
14. O.Ibroqimov, "Fergano–Tashkentskie makomi" Toshkent, 2006 yil.
15. M.A.Hamidova, O.Ibroqimov, D.Mulajonov, "Xonandalik san'ati, Jahon va O'zbek milliy an'analari", Toshkent, 2009 yil.
16. R.Yunusov, F.Mamadaliev "Milliy musiqa ijrochiligi masalalari" Toshkent, 2001 yil.